

3-14-2019

THE HARMONY OF UZBEK CLASSIC POETRY AND MUSIC

Gulchehra Nazarqulovna Ko'ylieva
Gulistan State University, kuyliyeva-g@mail.ru

Erkinoy Rashidovna Haydarova
Gulistan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Ko'ylieva, Gulchehra Nazarqulovna and Haydarova, Erkinoy Rashidovna (2019) "THE HARMONY OF UZBEK CLASSIC POETRY AND MUSIC," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 12.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss1/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 809:894.3

THE HARMONY OF UZBEK CLASSIC POETRY AND MUSIC

ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ВА МУСИҚА ҲАМОҲАНГЛИГИ

ГАРМОНИЯ УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ПОЭЗИИ И МУЗЫКИ

Кўйлиева Гулчехра Назаркуловна, Ҳайдарова Эркиной Рашидовна

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, IV микрорайон.

E-mail: kuyliyeva-g@mail.ru

Abstrakt

This article analyzes aspects of Uzbek classical literature and Uzbek music based on the views of the great thinkers and musicians Navoi and Babur, as well as the memories of their contemporaries.

The article tells about Alisher Navoi, the founder of the Uzbek language and poet, and Zakhiriddin Muhammad Babur, king, poet and commander, and their scientific and artistic views in the field of public policy and construction, literary criticism and criticism for the good of the country and homeland. Moreover, huge literary heritage were left by ancestors and this fact is described in the article.

It is also mentioned that in Mavraunnakhr and Khorasan science flourished and developed in the fourteenth and fifteenth centuries, so, it can be traced in the article how the interest in music, art, calligraphy came to us from the works and the memories of contemporaries of Alisher Navoi and Zakhiriddin Muhammad Babur. These are in particular, the works of Haydar Mirza Dug'lat "Tarixi Rashidiy" ("The History of Rashidiy"), Giyosiddin Hondamir "Makorim ul-axloq", Zayniddin Vosifiy "Badoe ul-vaqoe" containing detailed information about the origin, geneology, children, both own and adopted, and marital status of the great thinkers Alisher Navoi and Zakhiriddin Muhammad Babur.

The article also depicts that these works were created in the days of great creative poets, and they appeal to the reader because they are in harmony with reality.

It is also shown in the article that poets and writers of the time when Alisher Navoi lived and worked are referred to and the famous musicians in Herat city are enumerated in his works. It is also written in the article that Bobur also wrote in his works about musicians and dancers, weddings and ceremonies in Mavarunnakhr, Afghanistan, India.

Key words: Art, g'azal, the science of music, surud, song, harmony.

Аннотация

В данной статье анализируются аспекты узбекской классической литературы и узбекской музыки, основанные на взглядах Навои и Бабура, великих поэтов-мыслителей и музыкантов, а также воспоминаниях их современников.

В статье раскрываются научные и художественные взгляды в области государственной политики и строительства на благо страны и родины Алишера Навои, основателя узбекского языка и поэта, правителя Захириддина Мухаммада Бабура, их огромное литературное наследие, оставленное поколениями.

Данная статья также раскрывает тот факт, что в Маверауннахре и Хорасане наука процветала и развивалась в XIV-XV веках, их занятие дошло до нас из произведений современных писателей. В частности, работы Мухаммед Хайдара мирзы Дуглата «История

Рашидий», Гиосиддина Хондамира «Макорим ул ахлок», Зайниддина Восифи «Бадое уль-вакое» содержат подробную информацию об их происхождении, родословной, детях и семейном положении. Эти произведения были созданы одновременно поэтами того времени. Уместно назвать работу «Тарихи Рашидий» дополнительным источником работы Бабура «Бабурнома».

Статья раскрывает произведения Алишера Навои как источник о жизни поэтов и писателей того времени а также музыкантов региона. В произведениях Бобура, как показывает статья, также рассказывается о музыкантах и поэтах, свадебных традициях и местных традициях жителей Маверауннахра, Афганистана, Индии.

Ключевые слова: Искусство, газель, наука о музыке, направление, классическая музыка, хор, приятная музыка.

Қадимдан маълумки, илоҳий сўз ва мусиқа инсон умрининг малҳами ва оромижони саналган. Мусиқанинг инсон онгига ижобий таъсири ҳақида табобатнинг отаси ҳисобланган Абу Али ибн Сино бундан бир неча аср аввал айтиб ўтган. Ўлмас мусиқий асарлар инсон онг-шуурига ижобий таъсир этиши, ундаги уйғонмай ётган ҳис-туйғуларини юзага чиқариши, инсондаги ғам-қайғу, андуҳларни унутиб яшашга, олға интилишга кўмак берувчи бир илоҳий неъматлиги ҳаммага аён. Ўзбек мумтоз адабиёти ва мусиқа тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Бу мавзуда туркий заминда туғилиб, яшаб ўтган, қалам тебратиб, ижод қилган адиблар, шоирлар ва файласуфлар ўзларидан битмас - туганмас ўлмас асарлар қолдирганлар. Туйғуларга ташна қалблар ҳаёт, ишқ- муҳаббат мавзусида бетакрор мисраларда битилган шеърлар ғазалларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган бўлса, мусиқа эса жон озиғи - сўз билан уйғунлашиб, қўшиқ ва нақшларнинг яралишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ўзбек мумтоз куй-қўшиқларидан “Шашмақом”, “Тановор”, “Муножот” каби куйларни айтиш билан бирга Европа ва рус композиторлари яратган Бахнинг “Симфония”, “Кантанта-2”, Вивалдининг “Симфония”си, Штрауснинг “Вальс”и, Гайднинг “Симфония”си, Сибелиуснинг “Қайғули вальс”и, Глюкнинг “Куй”и, Вивальдининг “Времена года: “Зима”, “Лето”...ларидай дурдона мусиқа асарларни тинглагач, инсоннинг кўнгил ташналиги қонгандай бўлиши, оламнинг нақадар фусункор ва бахтга тўлиқ эканлиги, бу ажиб дунёда яшашга бўлган иштиёқнинг ортиб кетганини ҳис қилади. Шунинг билан бирга Европа Шарқдан нур олади, деганларидек, буюк немис классик шоири В.Гётеннинг машҳур “Шарқу Ғарб” асари, мумтоз ғазалларимизга хурмати, Шарқ деб аталган кўҳна томоннинг Ғарбга кўрсатган ижобий таъсири ифодасидир.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Асрлар оша ўзбек миллатининг ғурури, унинг шону шарафини дунёга таратган шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, туркий тилнинг асосчиси Амир Алишер Навоий, шоҳ ва шоир, теурийлар салтанатини Ҳиндистондай улкан ўлкада уч асрдан ортиқ давом эттирган буюк император Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзолар қаламидан дур бўлиб тўкилган ғазаллар мумтоз асарлар сирасига киради. Кенг китобхонлар оммаси Амир Алишер Навоийни нафақат шоир, балки илм-фан, маданият ва санъат, қурилиш ва архитектура илмининг йирик намоёндаси сифатида ҳам билишини истар эдик. Бу ҳақида адибларнинг ўз асарларида, замондош ёзувчи ва адиблар томонидан кўплаб маълумотлар борлиги маълум. Шу каби маълумотни ўзбек ва тожик халқининг сеvimли ёзувчиси Садриддин Айний ўзининг Навоийга бағишлаган китобининг “Алишер Навоий ва нафис санъатлар” деган фаслида шундай ёзади: “Навоий мусиқа соҳасида кўзга кўринадиган ишлар қилди. Аввало, унинг ўзи мусиқа билан шуғулланиб, бу соҳада мутахассис бўлди. У мусиқа илмини бу илмининг назария ва амалиётини яхши билган Хожа Юсуф Бурҳон деган кишидан ўрганди. У яхши шоир ҳам бўлиб, ўз

шеърларини куйга солиб ўқир ва “Исфохон” номли бир куй ихтиро қилиб, уни ўзининг бир шеърига басталаган эди” деган маълумотни келтириб ўтади.

Алишер Навоий тириклик чоғларидаёқ ёзган ғазаллари ҳиротлик қўшиқчилар томонидан куйга солиниб, қўшиқ қилиб куйланарди. Навоий ғазаллари ўз замонидаёқ машхур бўлиши билан бирга шоир шеърятнинг 16 хил жанрида ижод қилди. Шулардан бири “Хазойин ул маоний” куллиётига киритилган мустазод жанри бўлиб, мустазод сўзи арабча “орттирилган”, “зиёда қилинган” маъноларини билдириб, ҳар мисраси 1,5 қатордан иборат бўлган шеър шаклидир. Мустазод учун асосни ғазал ташкил этади. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида мустазод жанрига таъриф бериб, унинг оҳанги суруд нағамоти (куй оғанги)га мос келишини айтади: “халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳфуз вазниданга байт бошлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳамул бахрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани “мустазод” дерлар эрмиш...” - деб қайд этилган (Навоийшунослик. Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова, дарслик).

Алишер Навоийда ғазалнинг энг мураккаб кўриниши бўлган мустазодлардан бир нечасини ярата олганлиги ва ҳар бир девонга тенг тақсимлагани ва унинг ўзгача бир оҳангдорлигини санъаткорона ҳис қилган ҳақиқий ижодкорлигини шундан англаса бўлади. Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вақоеъ”сида (Огаҳий таржимаси) ёзилишича: “Амир Алишернинг бир мустазод ғазалигаким Хожа Абдулло Марварид бир савт боғламиш эрди ва анго сармаст яқом чок от қўймиш эрди ва ул савтнинг таронасидин холи эрмас эрди. Шухрати ул машобада эдиким, Ҳирот шаҳрининг ҳеч бир уйи савтнинг таронасидин холи эрмас эрди. Ҳофиз қазок ул савтни қонун оҳангига қўшиб бунёд қилди ва жамъи аҳли мажлис яқолари ва кўзларин намнок этдилар...”:

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодир, майхора-ву бебок,
Ким ишқидин онинг ва таним дайри фанодир сармаст-у яқом чок.
Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор, мен кофири ишқи,
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур, мен ўртанибон пок...

“Шоир Алишер Навоий кейинчалик “Ҳайрат ул-аброр” асарида бу ҳодисани шундай тасвирлайди: ...Ҳатто бир базмда мустазоднинг “сармаст-у яқом чок” сатри куйланаётганда, мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар ва бу ҳолни бир тасодиф туфайли туйнукдан қараётган Ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам кўрган”. (Навоийшунослик, 302-бет)

Базмда ул лаҳза алолани кўр,
Кўйи харобот аро ғавғони кўр.
Кўрки, нечуктур яқо чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.

Бизга маълумки, Заҳириддин Бобур ўзбек адабиётида таржимаи ҳол шеърлар ёзишни бошлаб берган шоир ҳисобланади:

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлагилким, андижонийдир.

Шоир ғазаллари ҳам тириклик чоғларидаёқ халқ томонидан қўшиқ қилиб айтилиб, мусиқачи бастакорлар томонидан уларга куйлар басталангани тарихдан маълум. Ўзбек халқининг доим яхши шеър ва ғазалга, куй ва қўшиққа муҳаббати баланд бўлиб келганлиги сабаб, барча тўй-ҳашамлар, яхши кунларни мусиқа ва қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини биламиз.

Бобур мирзо Ҳиротга борганда Ҳусайн Бойқаро ўғиллари Баддиузамон мирзо ва Музаффар мирзо хонадонларида меҳмон бўлади. Ҳиротдек шаҳри азимда мартабали меҳмон саналган Бобур мирзо шарафига берилган Музаффар мирзо базмига жон киргизган санъат аҳлини бирма-бир, номма -ном санайди. “Санъаткорлардан Ҳофиз Хожи, Жалолиддин Маҳмуд

нойи, Гулом Шодийнинг иниси Шодибача бор эди. Чанг чаларди. Ҳофиз Хожи яхши кўшиқ айтарди. Ҳирот халқи паст овозда, нозик ва мулойим қилиб (ҳамвор айтардилар)”. (146-бет) Бобур мирзо базмда нафақат меҳмон бўлибгина қолмай, базмга жонбахшлик киритган куй ва наволарнинг оҳанги ўзгача эканлигини зийрак адабий танқидчи сифатида юксак баҳолайди, ҳамвор килиб куйлаган кўшиқлардан сеҳрланади, руҳи ором олади, уларга ижобий таъриф беради.

Шунингдек, Бобурнинг “Бобурнома” асарида Ҳиндистонда бўлиб ўтган тўй таърифи берилади: “Ойнинг олтинчисида, шанба куни тўй бўлди... Барча султонлар, хонлар, улуғлар ва амирлар ошдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар. Олдимга бир гиламча солишларини буюрдим. Олтин ва кумушни шу гиламча устига тўқдилар. Матолар, кийимликлар ва бадраларни (олтин, кумуш ақча солинадиган халтача) унинг ёнига тўдалатиб қўйдилар”. Тўйга тўёна билан бориш ҳам халқимизнинг қадимдан қолган одати. Ҳозиргача давом этиб келаётган бундай азалий ва ўлмас удумларимиз миллатимиз тарихи жуда қадимий эканлигини англатади.

“Ошдан бурунроқ совға тақдим этиш чоғида маст туяларни ва филларни қаршимиздаги оролда урушга солдилар. Улардан кейин курашчи полвонлар кураш тушдилар. Ош тортилгандан кейин Ҳиндустон бозигарлари (ўйинчи, масҳарабоз) келиб ўйинларини кўрсатсинлар, деган фармон бўлди. Лўлилар келиб томошо кўрсатдилар... Лўлилардан кейин кўп раққослар келиб, рақс тушдилар.”(260-бет.)

Тўйларни киздириш, тўйга келган меҳмонларни яхши сийлаш, уларнинг ўйнаб-кулиб дам олишлари учун кўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, кураш мусобақаси ўтказиш, кўчқор уриштириш ва бошқа-бошқа кўплаб халқимиздан мерос бўлиб қолган ўйинлар ҳозиргача тўй – маросимларимизнинг кўрки, файзи саналади.

А.Жомий, А.Навоий, З.М.Бобур, Ғ.Хондамир, М.Ҳ.Дуғлат, З.Восифий, С.Айнийнинг асарларида адабиёт ва мусиқа илмига оид кўпгина маълумотларнинг берилганлигига гувоҳ бўламиз. З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асари фақатгина тарихий мавзуда бўлибгина қолмай, балки ўзига хос тазкира асар бўлиб, шу давр ҳукмдорлари, шоир ва ёзувчилар, улуғ алломалар ҳаёти ҳам берилган. Асарда Алишер Навоийга куйидагича таъриф берилади: “Яна, Алишербек Навоий эди. Беги эмас, балки суҳбатдоши эди, кичиклигида мактабдош бўлишган экан... Мусикадан ҳам яхши оҳанглар яратган. Яхши нақшлари, пешравлари бор. Фазл аҳли ва хунар аҳлига Алишербекчалик мураббий ва ҳомийлик қилган одам дунёда бошқа топилмаса керак. Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, шайх Нойи ва Ҳусайн Удий бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар...” (“Бобурнома” 132-133-бетлар. “O`qituvchi” нашриёт матбаа ижодий уйи, Тошкент-2008.) Алишер Навоийга берилган бу таъриф санъат ва мусиқа аҳлига бўлган ижобий муносабатдан далолат беради. Шунингдек, З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асари тарихий, географик, табиатшунослик, этнография соҳасидаги ноёб энциклопедик асар саналиб, унда Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкаларининг ўзгача табиати, географик жойлашиш ўрни, санъат ва мусикасига оид жуда кўп қизиқарли маълумотларни учратасиз. Айниқса, ўз даврининг машҳур ҳофизлари “...Ҳофиз Ҳожа ва Рухдам, рақослари: Тенгрикули, Рамазон, Мир Бадр; созандалари: Қулмуҳаммад Удий, Шайхий Нойи, Шоҳкули Ғижжакий, Хожа Абдуллоҳ Марворий; бастакорлардан: Гулом Шодий, Мир Азу, Камолиддин Биноий, Паҳлавон Муҳаммад Буьсаид; рассомлари: Камолиддин Бекзод, Шоҳ Музаффарлар” ҳақида, уларнинг эгаллаган санъат турлари бўйича китобхон кенг маълумотга эга бўлади. Асардан олинган куйидаги парча китобхонга яна ҳам ёрқинроқ тасаввурни беради: “Яна, Саййид Бадр эди. Кўп кучли ва ҳаракатлари жуда ёқимли киши эди. Жуда қизиқ рақс тушарди. Ҳеч кимда учрамайдиган рақсларни ижро этарди. Афтидан, бу рақслар унинг ўз ихтироси эди”. “Бобурнома” муаллифи раққос ўзи яратган янги рақси орқали базм аҳлини ўзига ром қилганини айтади.

Бобурнинг холаваччаси (бўласи) Ўратепа ҳокимининг ўғли Мирзо Ҳайдар Дуғлатнинг “Тарихи Рашидий” асари, Бобурнинг “Бобурнома” асарини тўлдирувчи манбаа деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. “Бобурнома”да тугалланмай қолган маълумотлар давомини бу асардан билиб олиш мумкинлиги асарнинг илмий, тарихий ва бадиий салмоғини янада оширади. Асарда қадим мўғил ҳукмдорлари тарихига ва темурий шахзодалар ҳаёти, уларнинг шажараси тарихини жуда чуқур ёритиш билан биргаликда машҳур тарихчи олим Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан парчалар берилган, Қошғар, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Афғонистон, Хуросон каби шаҳар ва вилоятлари ҳақида маълумот беради. Асар муаллифининг Ҳиндистонда Ҳумоюн мирзо саройида кўрган-кечирганлари, ўзининг Кашмир вилоятини эгаллаб, у ерда ўн йилдан ортиқ ҳукмронлик қилгани ва Ҳумоюн мирзонинг кенгфёллиги, бағрикенглиги, отасидан ўтган барча ижобий сифатлар эгаси сифатида олиб борган сиёсат ва давлат ишларини юритишдаги маҳорати, Ҳиндистондай ўлкага орқа қилиб борган яқин қариндош-уруғларига меҳрибонликлари, укалари - Комрон мирзо, Аскарый мирзо, Ҳиндол мирзо ва бошқа тарихий шахслар ҳаётига кенг ўрин берилган. Ҳумоюн мирзо отасининг васият ва ўғитларига қатъий риоя қилиб, унга ҳақиқий ўғил бўлганини, укаларига кенг фёллик ва яхши муомалада бўлганлигини, унинг кўплаб яхши хислат-фазилатлар эгаси, ширали ва равон тилда асарлар битганлигини мазкур асар орқали маълум бўлади.

“Фазл ва ҳунар аҳлларини Хуросон бўйлаб аниқлаш, топиш ва ишга жалб этиб тарбиялашда Мир Алишернинг саъй-ҳаракатлари мислсиздир.

Ашулачилар ҳақида. Ҳофиз Басир. Унгача бунақа машҳур кўшиқчи бўлмаган, бу фикрга ҳамма кўшилади. Айтишларича, бир куни баҳор фаслида у боғда кўшиқ айтганда, булбулу кумрилар, каптар, саъва ва бошқа ҳар хил кушлар ром бўлиб, унинг атрофига йиғилиб, бошига ва кифтига кўниб олишган экан.

Ҳофиз Ҳасан Али – унинг шогирди, овози баланд эди, у шаклан мураккаб ҳамда чуқур мазмунли ашулаларни беҳад майин куйларди.

Ҳофиз Жомий - яхши оҳангда, паст овозда, Ҳофиз Алига нисбатан жўнроқ куйларди.

Ҳожа Абдуллоҳ Марворид - табаррук наслига кўра у “Тазкираи маволи”(“Буюк олимлар тазкираси”)да тилга олинган; шеърларига кўра Ҳилолий, Аҳлий билан бир қаторда турса... аммо қонун чалишда тенгсиз эди. У кичикроқ сурнайни ихтиро қилганди. Илгари бошқа мусиқа асбоблари бўлганда қонунга унчалик эътибор қилишмаган, негаки қонун у қадар хушоҳанг соз бўлмаган. Ҳожа Абдуллоҳ шу даражада қайта созладики, Ҳожа Абдуллоҳнинг қонунини чалишганда, одамлар бошқа мусиқа асбобларини хоҳламай қолишди...

...Устоз Ҳайдаршоҳ Балабоний- ўз касбида тенгсиздир, балабон (арфа) чалишда унга тенг келадиган киши бўлмаган...”

Шунингдек, Бобур мирзонинг опаси Хонзодабегимнинг тақдири ҳақида “Бобурнома”да Самарқандни ташлаб чиқишда “Шайбонийхон илкига тушди” дея қисқача маълумот келтиради. “Тарихи Рашидий”да эса бу олийжаноб ва меҳрибон опа бошига тушган тақдир ва битиклар ҳақида батафсил билиб оламиз. Шайбонийхон унга уйлангач, бир ўғил фарзанд кўргани, унга Балх вилояти ҳокимлиги берилганлиги, Шайбонийхон душманининг опасидан бир умр хавфсираб яшаганлиги ва аёнлар маслаҳати билан унга талоқ бериб, “...йирик саййидлардан Саид Атоий авлодидан Саид Ҳодига эрга бергани, Саид Ҳоди Шайбонийхон ва султонлар, барча ўзбеклар орасида обрў-эътиборга эга бўлиб Марвдаги жангда ўлгач, Хонзодабегим туркманлар кўлига тушиб, иниси Бобур мирзо хузурига жўнатилганлиги батафсил ҳикоя қилинади.

Айниқса, “Тарихи Рашидий”да ижод аҳлига, масалан, Султон Сайидхоннинг невараси Рашидхон таърифига ҳурмат ва эҳтиром билан таъриф берилади: “У ширин калом ва хушмуомалаликда нафақат денгиздаги дурри ягона, малоҳат дарёсидаги гавҳари фарзона эди. У мусиқа асбобларини шундай чалар эдики, Зухра чангининг овози унинг олдида паст, куйлар

гулшанидаги булбул хониши ўз оҳанглиридан маҳрум бўлади. Ундаги табиат ато этган маҳорат насрни хушоҳанг шеърга айлантирарди. Ундаги истеъдод нафосат булоғидан сув ичган эди.” Бундан кўришиб турибдики, шахзодаларни тарбиялашда жанг санъати қаторида адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббат руҳида ҳамда баркамол тарбияга кенг ўрин ажратилганлигига гувоҳ бўламиз.

Тарихдан маълумки, яқин-яқингача Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳни ҳам инглизлар Ҳиндистонда “Мўғуллар империяси”ни бошқарган подшоҳ деб келар эди. Аслида Бобур мирзонинг она томондан мўғулларга бориб тақалиши, онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент хони Юнусхоннинг қизи эканлигини маълум. Юқоридаги асарда буюк тарихий шахслар қатори Юнусхоннинг таърифи берилади: “У табаррук зот бир қанча фазилатлар билан безанган эди: у Қуръонни қироат қилган ва кўчирган, шоирлик иқтидорига эга, хушсухбат, хуштабиат киши бўлган, илми муаммодан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган. Шунингдек, нозик табиатли кишиларгагина хос қобилият эгаси бўлиб, чунончи, мусиқий асбобларни чалиш ва ашула айтишда ҳам мумтоз бўлган.”

Бобур Мирзога табиатан берилган иқтидор, адабиёт ва санъатга ошналик она томонидан бўлган бобоси Юнусхонга берилган юқоридаги таърифлар билан ҳамоҳангдир.

Темурий шахзодалардан яна бир мард ва жасур, жуда ёшлигиданоқ тахт вориси, шоир ва подшоҳ, Мовароуннаҳр ва Хуросон юрти унга тор келиб, Ҳиндистондай улкан юртда буюк Империя ўрнатиб, темурийлар сулоласини 300 йилдан ортиқ давом эттирган подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзога қуйидагича таъриф берилган:

“Туркий шеърятда мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. ...Унинг “Вақоеъ” (“Бобурнома”) номида туркий тилдаги тарихий асари борки, у жуда аниқ, тушунарли, ширали, соф жонли тилда битилган....Мусиқий ва бошқа санъатларда унинг хонадонидан унганча бундай иқтидорли киши бўлмаган”.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарида жуда кўплаб фактлар ва манбалар борки, бу асарлар орқали биз ўтмишимизни ва унда яшаб ўтган авлод-аждодларимиз ҳаёти ва турмуш тарзи, сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий жараёнлар билан танишамиз. Тарихий асарлар билан танишар эканмиз, мўғул ҳукмдорлар борми, темурий подшоҳлар борми – ҳаммаси жуда катта, улкан истеъдод соҳиблари эканликлари маълум бўлади.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, “Мақорим ул- ахлоқ” (“Олийжаноб хулқлар”) китоби улғу шоир Алишер Навоий тириклик чоғида ёзишни бошлаб, ишни охирига етказиб улгурмасидан шоирнинг вафот этиши, адибнинг давлат ишлари ва халқ учун, уларнинг эҳтиёжи учун қилинган барча эзгу ишлари бир-бир санаб ўтилган. Жуда қизиқарли ҳикоятлар, воқеалар, Қуръони карим сураларидан келтирилган парчалар эса мавзуни яна ҳам очиб беришга хизмат қилган, асарнинг ўқимишлигини таъминлаган.

“Чиройли сўз дурларини ипга териб, назмга солувчи ва шеърга айлантирувчи шоирларнинг оламини бегаувчи фикрлари... сўз санъатининг гўзал намуналари сарасига кирувчи шеърнинг юқори даражаси ва мартабаси эса аниқ ва равшан бир нарса бўлиб, кўп нарсани кўрган тажрибали ақл учун ундан-да қимматлироқ танга топилмайди ва фазилатга ошно таъб учун эса ундан-да гўзалроқ чехра юз курсатмайди деб шеър ва шоирларнинг мартабасини таърифлайди Хондамир ўз асарида.

Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” (“Олийжаноб хулқлар”) асарининг З.М.Бобурнинг “Бобурнома”сидан фарқли томонлари шундаки, бу тарихий асар Алишер Навоий тириклик чоғида битилган бўлиб, шоирнинг туғилишидан то вафот этишигача, бош вазирлиги чоғида Ҳиротда қурдирган шифохоналар, ҳаммомлар, масжид ва хонақолар, кўприкларнинг бунёд бўлиши учун ўз маблағидан сарф қилинганлиги батафсил айтиб ўтилган. Бундан ташқари, шоирнинг бир умрлик Ҳаж қилиш ниятига икки мартаба (ўз ихтиёридан ташқарида) ҳам эриша олмаганлиги ва бунга бир сафар қадрдон дўсти шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг илтимоси ва

иккинчи марта ногоҳон бўлган урушнинг олдини олишни илтимос қилиб улуғ сафардан қолдирилганлиги, бу ният амалга ошмаса-да, элу юрт ва уларнинг эҳтиёжи учун қилинган барча эзгу ишлари, “олийжаноб хулқлар”и Ҳаж зиёратидан устун эканлигига китобхон амин бўлади.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур мирзолар нафақат ўзбек адабиёти тарихига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшибгина қолмай, балки санъатнинг тури саналган мусикага ҳам бефарқ бўлмай, унинг нозик сирлари ва товланишларини чуқур ҳис этиб, мусиқий асарлар битиб ва уларнинг зукко танқидчиси сифатидаги асарларини адабиёт ва мусика ихлосмандларига ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонларга мерос қилиб қолдирган. Бугунги кунда эса уларнинг қолдирган катта илмий мероси ёшларнинг ўқиб-изланишида ва тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши билан кадрлидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Сироҷжиддинов ва бошқалар. Навоийшунослик. – Т.: Тамаддун, 2018. - 302 б.
2. Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ (Олижаноб хулқлар). –Т.: Академнашр, 2018, 85-бет.
3. З.М.Бобур. Бобурнома. –Т.: О`қитувчи, 2008. – 320 б.
4. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. - Т.: Шарқ, 2010. – 220 б.
5. М.Р.Огахий. Ишқ аҳлининг тумори. З.Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ”дан Огахий таржимаси. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. -144 б.

Referense:

1. Sh.Sirojjiddinov va boshqalar. Navoiyshunoslik. – Т.: Tamaddun, 2018. - 302 b.
2. G'iyosiddin Xondamir. Makorim ul-axloq (Olijanob xulqlar). –Т.: Akademnashr, 2018, 85-bet.
3. Z.M.Bobur. Boburnoma. –Т.: O`qituvchi, 2008. – 320 b.
4. Muhammad Haydar mirzo. Tarixi Rashidiy. - Т.: Sharq, 2010. – 220 b.
5. M.R.Ogaxiy. Ishq ahlining tumori. Z.Vosifiy “Badoe’ ul-vaqoe”dan Ogahiy tarjimasi. –Т.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1999. -144 b.